

## ШАРТНОМА № 15

“ 8 ” июль 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси (келгуси матнларда “Харидор” деб юритилади) низомга асосан фаолият юритувчи номидан раҳбари **Ж.Шерғозиев** бир томондан, «ULUG'BEK GRAND 777» хусусий корхонаси (келгуси матнларда “Сотувчи” деб юритилади) номидан раҳбари **А.Туронбоев** иккинчи томондан куйидаги мазмунда ушбу шартномани туздик:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул қилиш мажбуриятини оладилар.

### II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

Т/р	Товарларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Кондиционер 18	дона	2	8050000	16100000
2	Холодильник	дона	1	4290000	4290000
3	Кондиционер 9	дона	1	6460000	6460000
4	Кондиционер 12	Дона	1	6780000	6780000
5	Кондиционер 24	Дона	1	9870000	9870000
<b>Ж а м и:</b>					<b>43 500 000</b>

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **43.500.000 қирк уч миллион беш юз минг сўм**  
(ракамлар, ёзувлар билан)

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан 30 фоиз, махсулот етказиб берилганидан сўнг 70 % микдорида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган ҳолда қушимча белгиланади.

### IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга қиргандан сўнг товарни 20 кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериш шарт.

### V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

### VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

6.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

### VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада қурсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;  
- Махсулотлар бозор ва интернетдаги нархларга асосланган ҳолда етказиб берилади. Ўтказилган тафтиш натижасида назорат қилувчи органлар томонидан нархлар юқори деб топилса фарқ сумма сотувчи томонидан қопланади.

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа қурсаткичларини қурсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реқвизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тулов амалга оширилмайди.

### **VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи булган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб берамаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % миқдорда «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори шартнома кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % миқдорда жарима тулайди.

8.4. «Харидор» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % миқдорда «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8.5. Келгусида текширув органлари томонидан маҳсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи «Сотувчи» томонидан қопланади.

8.6. Шартнома Газначилик бўлими томонидан руйхатдан утгандан сунг қонуний қучга эга.

### **IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик бўлмаган сабабларга қура ва енгиб бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни 1,5 кун ичида огоҳлантириши шарт.

9.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган қуч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

### **X. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

10.1 Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Узаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 08.07.2022 йилдан 31.12.2022 йил гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бўлинмасида руйхатдан утказилганидан сунг қонуний қучга қиради.

### **X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ**

#### **«Х А Р И Д О Р»**

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Бағдод шаҳарчаси Бирдамлик кўчаси

Х/Р: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент ШББ

МФО: 00014

ИНН: 200 158 873 Ғазна ИНН 201122919

ШХР: 401422860302097073101054001

ОКОНХ: 91511

Раҳбар:  Ж.Шерғозиев

#### **«С О Т У В Ч И»**

«ULUG'BEK GRAND 777» Х/К

Бағдод тумани Самарқанд қишлоғи

Телефон: : +99890-309-90-21

Х/р: 20208000505360371001

МФО 00973

КУКОН Ш. АТ БАНКИ "УНИВЕРСАЛ БАНК"

БОШ ОФИСИ

ИНН 308289970

Раҳбар:  А.Туронбоев

YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi – Shartnoma
2. Loyihaning nomi- Mahsulot yetkazib berish shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot  
Shartnoma loyixasi Bag'dod tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 8- iyul 2022 yil kuni taqdim etilgan.

Bag'dod tuman tibbiyot birlashmasi «ULUG`BEK GRAND 777 o`rtasida **43.500.000** (qirq uch million besh yuz min) so`mlik oziq ovqat maxsulotlari yetkazib berish to`g`risida.

Shartnoma loyixasi amaldagi O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-sonli qarori ,Xo`jalik yurituvchi sub`ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to`g`risida “gi O`zbekiston Respublikasi Qonuni va O`zbekiston Respublikasi fuqarolik kodeksi talablari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bag'dod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:  
08.07.2022



S.Xamidov

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Бағдод тумани Тиббиёт  
Бирлашмаси бошлиғи



Ж.Шерғозиев

Бағдод шаҳарчаси

01.07.2022 йил

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси томонидан 28.06.2022 йил кунги лот №22110012109992-билан тумани Тиббиёт бирлашмасига кондиционер ва холодильник етказиб бериш ва қулай тарзда ўрнатиб бериш хизмати бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

**БАЁНИ № 17**

**Қатнашдилар:** Ж.Шерғозиев - БТТБ бошлиғи, комиссия раиси  
М.Олимов - Бошлиқ ўринбосари, комиссия аъзоси  
Р.Хўжаев - бош хисобчи, аъзо  
Ж.Каримов - Хўжалик мудир, аъзо  
М.Мелибоев - Инженер, аъзо  
И.Болтабоев - Бош хисобчи ўринбосари, котиб

**Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:**

1. ЧП “ULUG`BEK GRAND 777“
2. “QUALITY DEVICE BUSINES” МЧЖ
3. “BEKABOD XAMKOR INVEST 99” МЧЖ

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи ULUG`BEK GRAND 777 хусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

**Комиссия аъзолари**

Ж.Шерғозиев

М.Олимов

Р.Хўжаев

Ж.Каримов

М.Мелибоев

И.Болтабоев

**Йиғилиш котиби:**